

## ИСЛОМДА ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИНГ МАНБА ВА АСОСЛАРИ

Rahmatullayev Umidjon Ibroximovich  
tadqiqotchi

**Аннотация:** Мазкур мақолада исломда халқаро алоқаларнинг манба ва ҳуқуқий асослари, уларнинг Қуръон, Сунна ва ислом фикҳий анъаналаридаги илдизлари таҳлил этилган. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) давридан бошланган халқаро муносабатлар ва дипломатик фаолиятнинг шаръий жиҳатлари очиб берилган. Мақолада Расулulloҳ (с.а.в.)нинг элчилар билан бўлган муомалалари, уларнинг дахлсизлиги, аҳдга вафо қилиши, тинчлик ва адолат тамойилларига асосланган муносабатлари исломий халқаро ҳуқуқнинг илк намуналари сифатида ёритилган. Шунингдек, ислом фикҳидаги “сийр” ва “сияр” атамалари орқали халқаро муносабатлар тизимининг назарий асослари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ислом, халқаро алоқалар, дипломатия, элчи, Қуръон, Сунна, сийр, сияр, адолат, тинчлик, ислом ҳуқуқи.

**Аннотация:** В статье исследуются источники и правовые основы международных отношений в исламе, их происхождение из Корана, Сунны и исламской правовой традиции. Анализируются принципы мирного сосуществования, справедливости, верности договору и уважения к человеческому достоинству, отражённые в практике Пророка Мухаммада (с.а.в.) и Праведных халифов. Особое внимание уделено понятию «сийр» и «сияр» в исламском праве, которые легли в основу формирования исламской концепции международного права.

**Ключевые слова:** ислам, международные отношения, дипломатия, посол, Коран, Сунна, сияр, справедливость, мир, исламское право.

**Abstract.** This article examines the sources and legal foundations of international relations in Islam, rooted in the Qur'an, the Sunnah, and classical Islamic jurisprudence. It analyzes the Prophet Muhammad's (peace be upon him) approach to diplomacy, his treatment of envoys, and his emphasis on justice, peace, and faithfulness to agreements. The study also discusses the juristic development of international relations in Islamic law through the concepts of *sirah* and *siyar*, which form the theoretical basis for Islamic international law.

**Keywords:** Islam, international relations, diplomacy, envoy, Qur'an, Sunnah, siyar, justice, peace, Islamic law.

Исломда халқаро алоқаларнинг манба ва асосларини ўрганиш, ислом ҳуқуқи ва сиёсий тафаккурининг тарихий ривожини ҳамда замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги аҳамиятини англашда муҳим аҳамият касб этади. Бу муносабатлар исломий дунёқараш, Қуръон ва Суннадаги меъёрлар, шунингдек, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг амалиётлари асосида шаклланган. Хусусан, тинчлик, адолат, ўзаро ҳурмат, аҳдга вафо каби тамойиллар исломий халқаро муносабатлар таълимотининг асосий устунларини ташкил этади. Мазкур масала ислом фикҳи ва сиёсий фикр тарихи нуқтаи

назаридан таҳлил қилиниши орқали, Исломда халқро алоқаларнинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур англаш имкони яратилади.

Халқро алоқаларнинг асоси Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда мавжуд. Қуръони каримнинг кўплаб оятларида халқро муносабатлар зикр этилган. Масалан:

“Албатта, Биз Сизни ҳақ билан (Қуръон, тавҳид, Ислом билан) хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик” (Бақара сураси, 119-оят).

Ушбу таълимот бутун дунёга, инсонлар, ҳатто жинлар учун ҳам юборилган: “(Эй Муҳаммад!) Биз Сизни, ҳақиқатан, барча одамларга хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи бўлган ҳолингизда (пайғамбар қилиб) юбордик. Лекин одамларнинг аксарияти (бу ҳақиқатни) билмаслар” (Сабаъ сураси, 28-оят).

Шунингдек, ҳадисларда ҳам дипломатия, бутун дунёга яхшиликни ёйишга урғу берилган.

Абу Рофеъ (р.а.)дан ривоят қилинади: “Қурайш мени Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурига элчи қилиб юборди. Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўргач, қалбимга ислом (мусулмон бўлиш истаги) тушди. “Эй Аллоҳнинг Расули (элчиси), Аллоҳга қасамки, мен ҳеч қачон уларнинг олдига қайтмайман”, дедим. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): “Мен аҳдни бузмайман, элчиларни тутиб қолмайман. Лекин сен қайт, агар ҳозир ўзингда (хоҳиш) бўлса ҳам қайт”, дедилар. Бас, мен кетдим, сўнг Набий (с.а.в.)нинг ҳузурларига бориб, мусулмон бўлдим” (Имом Абу Довуд ривояти).

Расулуллоҳ (с.а.в.) “Мусулмонлар зиммаси”ни эътиборга олганлар. Бу дегани, обрўли ёки оддий мусулмон ўзга дин вакили ёки динсиз инсонга омонлик берганини эълон қилса, ҳеч ким унга қаршилик қила олмайди. Бу ишда эркак ҳам, аёл ҳам, озод ёки кул ҳам бир мақомда бўлади.

Халқро муносабатларнинг амалий натижаси ўларок, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ўз душманлари элчиларини кутиб олишлари, уларга яхши муомала қилишлари, ҳурматини қилиб, ҳимояга олганлари маълум. Яман подшоҳи Бозон ҳузуридан келган Хурхора ва Хурхасрани кутиб олганлар. Элчилик воситасида Расулуллоҳ (с.а.в.)ни тутиб, қатл этиш учун форслар ҳукмдори Кисро ҳузурига олиб бориш мақсад қилинганига қарамай, элчиларга яхши муносабатда бўлиб, ўз юртларига омонликда қайтариб юборганлар. Ҳатто Хурхорага баъзи подшоҳлар ҳадя қилган олтин ва кумушдан бўлган белбоғни совға қилганлар.

Пайғамбарликни даъво қилган Мусайлима Қаззоб томонидан келган элчилар – Ибн Навоҳа ва Сумома ибн Усолни ҳам ўлдирмай, яхши муносабатда бўлиб кузатиб юборганлар.

Бу ишлар орқали Расулуллоҳ (с.а.в.) ўзларидан кейинги амир, халифа ва бошлиқларга ўрнак бўлиб, уларга тўғри йўлни кўрсатиб кетганлар.

Ибн Ҳишомнинг “ас-Сийра ан-набавийя” асарида келтирилишича, Пайғамбар (с.а.в.) ва саҳобалар делегациялар ва элчиларни энг чиройли, башанг кийимларни кийиб кутиб олганлар. Фақат Умар (р.а.)гина расмиятчиликка эътибор бермай, оддийликни лозим тутган, ҳатто Византия элчиси келган вақтда унинг дарахт остида ухлаб ётганини кўрган.

Пайғамбар (с.а.в.)нинг Усома ибн Зайд (р.а.) бошчилигидаги охириги юборган қўшинлари Румга юборилган бўлиб, унда ҳам ҳаддан ошишдан қайтарилган эди (яъни ғолиб бўлса ҳам, аёллар, қариялар ва болаларни ўлдирмаслик, мевали дарахтларни кесмаслик тайинланган) .

Юқоридагилар Расулulloҳ (с.а.в.)нинг нубувват давридаёқ халқаро алоқаларга оид қоидалари бўлиб, уларни ҳаётларида татбиқ этиш баробарида саҳобаларга ҳам вафотлари олдидан васият қилганлар. “Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ”да Саид ибн Жубайрдан келтирилган ривоятда: “...вафдни мен мукофотлагандек мукофотланглар”, деганлар .

Ҳадислар ва феълий суннатлардан Расулulloҳ (с.а.в.) исломдаги энг биринчи бўлиб элчи юборган, энг биринчи бўлиб элчиларни кутиб олган инсон бўлганлари ойдинлашади. Бу эса элчилик, халқаро алоқалар ва дипломатиянинг шаръий асосларга зид келмаслигини билдиради. Зеро Пайғамбар (с.а.в.) рисолатнинг аввалиданок ўзларини Аллоҳ таоло ва одамлар ўртасидаги расул – элчи эканларини эълон қилганлар.

Сияр ва фикҳий китоблар ҳам халқаро алоқаларнинг ҳуқуқий асослари саналади. Уламолар мусулмонларнинг ўзга мамлакатлар билан олиб борадиган муносабатларини “сийрат” ёки “сияр” атамалари орқали ифодалаганлар. “Сийрат” араб тилида ўзагидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “юриш”, “сайр қилиш” каби маъноларни билдиради. Жавҳарийнинг таъкидлашича, “سير” “ерда юриш, сайр қилиш” деган маънода ишлатилади ва “مسير”, “تسيار”, “مسيرة” шаклидаги ҳаракат номлари билан бир хил маънони англатади. Буларнинг барчаси “سيرة” (сийрат) деб аталади” .

Шунингдек, “мағозий” атамаси ҳам “юриш”, “жанг” маъноларини билдиради.

Шамсул Аимма Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий ўзининг машҳур китоби “Мабсут”нинг “Китоб ас-сияр”ида қуйидагиларни айтган:

“Билки, “сияр” “сийрат”нинг кўплигидир. Бу китобнинг шу ном билан аталишининг сабаби унда мусулмонларнинг мушриклар, аҳли ҳарб, аҳднома тузганлар, омонлик сўраганлар, аҳли зиммалар ва муртадлар билан бўладиган сийратлари – тутадиган йўллари ҳақида баён келади”.

Бу турдаги китобларнинг номи ғалатироқ бўлса ҳам, у бутунги кундаги “халқаро алоқалар қонуни” истилоҳини ифода қилиши ҳамма эътироф қилган ҳақиқатдир.

Халқаро алоқаларнинг ҳуқуқий асослари ҳақида сўз юритилганда, яна Қуръони карим ва ҳадисларга мурожаат қилинади. Мусулмон уламолар томонидан сияр, мағозий, сиёсатуш шариа каби илм ва жанрларга асос солиниб, ички ва ташқи сиёсат, уруш, сулҳ, ўлжа ва бошқа масалаларга ечим берилган.

Имом Абу Ҳанифа, Имом Муҳаммад, шамсул аимма Сарахсий, Абулҳасан Мовардий, Имом Суютий каби уламоларнинг асарлари исломда ташқи сиёсат қонун-қоидаларини ёритиб берган, ушбу асарлар кейинги даврларда ёзилган китоблар, мусулмон мамлакатлари, ҳатто Ғарб давлатларидаги қонунлар учун ҳам асос бўлиб хизмат қилган.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: ТИУ, 2014.
2. Абу Довуд. Сунан (Сидқий Жамил Аттор нашри). – Байрут: Дор ал-фикр, 2005.
3. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомий ас-саҳих. – Байрут: Дор тавк ан-нажа, 2001.
4. Исмоил ибн Касир. Ал-Бидоя ва ан-нихоя (Мустафо Абдулвоҳид нашри). – Байрут: Дор ал-маърифат, 1976.
5. Ҳоким Найсобурий. Мустандрок (Мустафо Абдулқодир Ато нашри). – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2002.
6. Абдулмалик ибн Ҳишом ал-Маъофирий. Ас-Сийра ан-набавийя. – Т.: «Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти», 2011.
7. Аҳмад Ғалваш. Ас-Сийра ан-набавийя ва ад-даъва фи аҳд ан-маданий. – Дамашқ: Муассаса ар-рисола, 2004. – Б. 674.
8. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомий ас-саҳих. – Байрут: Дор ибн Ҳазм, 2003.